

“ТАСДИҚЛАНГАН”**АТБ «InFinBank»****Кенгаш Раиси**

Давозининг

А.Н. Ахмаджадов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank»
2022 йил «13» 04 даги
23 - сонли
Кенгаш Баённомаси)

АТБ «InFinBank»**Бошқаруви Раиси****Б.Н. Бурханов**

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank»
2022 йил «05» 04 даги
36 - сонли
Бошқаруви Баённомаси)
2022 йил «13» 04 да
ПК № 21 - сон билан рўйхатга
олинган

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ ПК № 21

Мазкур ҳужжат АТБ «INFINBANK» мулки ҳисобланади. Ушбу ҳужжат мазмуни Сифат бўйича Раҳбарият Вакилининг олдиндан розилигисиз тўлиқ ёки қисман такрорланиши ёки Банк ходимлари бўлмаган учинчи шахсларга етказилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгартиришлар асл нусхасига ва фақат ушбу ҳужжатнинг назорат нусхаларига киритилади.

Мундарижа

Ўзгартиришларни рўйхатга олиш варақаси

Мундарижа	2
1. МАҚСАД	4
2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ.....	4
3. ҲАВОЛАЛАР	4
4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	4
5. ЖАВОБГАРЛИК.....	5
6. ҚЎМИТА ТАРКИБИ, ВАКОЛАТ МУДДАТИ ВА САЙЛАШ ТАРТИБИ.....	6
7. ВАКОЛАТ ДОИРАСИ	6
8. ҚЎМИТАНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ	7
9. САҚЛАШ	9
11. ТАРҚАТИШ	9
12. ТАНИШИБ ЧИҚИШНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАРАҚАСИ	10

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13/04/2022 й. 12/04/2027 й.гача ҳақиқий 11тадан 3-вар.

Ўзгартиришларни рўйхатга олиш варақаси

Ўзгартириш лар рақами	Ўзгартиришлар мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Хужжатни киритиш бўйича жавобгар шахснинг имзоси

1. МАҚСАД

1.1 Мазкур Низом “InFinBank” АТБнинг (бундан буён матнда “Банк”) Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси (бундан буён матнда “Қўмита” деб юритилади) фаолиятини тартибга солувчи ва унинг ваколати масалаларини, таркибини шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиш тартибини белгиловчи асосий ҳужжатдир.

1.2 Қўмита Банк Кенгашининг доимий маслаҳат органи бўлиб, Банкнинг бошқарув органи ҳисобланмайди ва Банк ёки Банк Кенгаши номидан ҳаракат қилишга ҳақли эмас. Қўмита қарорлари Банк Кенгаши ва Банкнинг бошқа бошқарув ва назорат органлари учун тавсиявий характерга эга бўлиб, келгусида тасдиқлаш учун Банк Кенгашига тақдим этилади.

1.3 Қўмита Банк Кенгаши қарори билан ташкил этилади. Қўмита ўз фаолиятида Банк Кенгаши олдида тўлиқ ҳисобдор бўлиб, Банк Кенгаши томонидан унга берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

1.4 Қўмитани ташкил этиш ва фаолиятининг асосий мақсади Банк Кенгашига Банкда адекват таваккалчилик менеджменти тизимининг мавжудлиги ва ишлашини назорат қилиш, таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек таваккалчиликларни таҳлил қилиш соҳасида унинг тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга оширишда ёрдам беришдир.

2. ҚўЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

2.1 Мазкур Низом талаблари барча Қўмита аъзоларига, Банкнинг коллегиял органларига, шунингдек Таваккалчиликларни бошқариш Департаментига нисбатан қўлланилади.

3. ХАВОЛАЛАР

3.1 Мазкур Низом қуйидаги ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

3.1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар и банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхат олинган «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низом;

3.1.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхат олинган «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом;

3.1.4. Банк Устави, “InFinBank” АТБ ички меъёрий ҳужжатлари, шунингдек Банк Кенгаши қарорлари.

4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Таваккалчиликларни бошқариш	Бу Банк мақсадларига эришишга таъсир қилиши ва унинг операцион ва инвестиция фаолиятини бузиши мумкин бўлган муҳим воқеаларни аниқлашни ўз ичига олган циклик жараён; уларни баҳолаш; уларнинг эҳтимоллиги ва зарарини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлигини назорат қилиш.
Лимит	таваккалчилик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар қийматларининг белгиланган сонли чекланиши. Лимит нисбий ва мутлақ қийматда ўрнатилиши мумкин;

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13.04.2022 й. 12.04.2027 й.гача ҳақиқий 11тадан 5 вар.

Кредит таваккалчилиги	кредит таваккалчилиги Банк қарз олувчилари томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимоли туфайли юзага келади, бу коида тариқасида шартномада белгиланган муддатларда қарзнинг асосий суммасини ва у бўйича фоизларни тўламаслик (тўлиқ ёки қисман) билан намоён бўлади.
Инвестициявий таваккалчилик	Фонд қадриятлари эмитенти ва бозор нархларининг молиявий воситаларга умумий тебраниши билан боғлиқ Банк портфелида жойлашган факторлар таъсири остида бўлган, фонд қадриятларига (қимматли қоғозлар, шу жумладан, бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқларини мустаҳкамловчи) бозор нархларининг салбий ўзгаришлари таъсири натижасида юзага келадиган йўқотиш таваккалчилиги.
Ликвидликни йўқотиш таваккалчилиги	Банкнинг молиявий мажбуриятларини бажариш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотиш таваккалчилиги;
Валюта таваккалчилиги	Банкнинг чет эл валюталаридаги очик позициялари бўйича чет эл валюта курсларининг салбий ўзгаришлари натижасида юзага келадиган йўқотиш таваккалчилиги;
Операцион риск	Банкнинг амалдаги қонунчилик талабларига, банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишнинг ички тартиб ва жараёнларига зид ҳаракатлари, Банк ходимлари ва/ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг бузилиши (беҳосдан ёки касддан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги туфайли), Банк томонидан фойдаланиладиган ахборот, технологик ва бошқа тизимларнинг функционал имкониятлари (хусусиятлари) номутаносиблиги (етарли эмаслиги) ва/ёки уларнинг носозликлари (улар ишидаги бузулишлар), шунингдек ташқи ҳодисаларнинг таъсири натижасида юзага келадиган йўқотиш таваккалчилиги;
Фоиз таваккалчилиги	фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида юзага келадиган йўқотишлар таваккалчилиги. Банкнинг талаб ва мажбуриятларини тўлаш муддатлари ўртасидаги номувофиқлик, шунингдек талаб ва мажбуриятлар бўйича фоиз ставкаларининг бир хил бўлмаган даражада ўзгариши.

5. ЖАВОБГАРЛИК

5.1 Қўмита қуйидагилар учун жавобгардир:

5.1.1. мазкур Низом ва Банк Кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ Қўмита зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш;

5.1.2. ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш;

5.1.3. такомиллаштиришни талаб қиладиган таваккалчиликларни бошқариш тизимининг камчиликлари, шунингдек, Банк дуч келадиган таваккалчиликлар тўғрисида Банк Кенгашини ўз вақтида хабардор қилиш;

5.1.4. ўз фаолияти давомида олинган маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.2 Қўмита аъзолари ўз вазифаларини бажариш даврида, шунингдек, Қўмитада ваколат муддати тугаши даврида Қўмита аъзоси бўлган шахслар, уларнинг Қўмитадаги фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларига нисбатан катъий махфийлик талабига риоя

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13.04.2022 й. 12.04.2027 й.гача ҳаққисий 11тадан 6 вар.
қилишлари шарт.

6. ҚЎМИТА ТАРКИБИ, ВАКОЛАТ МУДДАТИ ВА САЙЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Қўмитанинг миқдорий таркиби камида уч кишидан иборат бўлган Банк Кенгашининг қарори билан белгиланади. Қўмита таркиби Кенгаш аъзолари ва Банк ходимлари орасидан ёки хизмат кўрсатиш шартномаси асосида мустақил шахсларни жалб қилиниши мумкин бўлган экспертлардан ташкил топади. Қўмитанинг кўпчилик аъзолари Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Кенгашдаги аъзолиги мустасно.

6.2. Қўмитанинг шахсий таркиби Банк Кенгаши йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

6.3. Қўмитанинг ваколат муддати Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

6.4. Қўмита аъзолари, шу жумладан Раис, Қўмитада ишлаш учун бенуқсон ишбилармонлик обрўсига эга бўлиши керак. Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг камида битта аъзоси банк ва молия ташкилотларида таваккалчиликларни бошқариш бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак

6.5. Қўмита таркибидаги ўзгаришлар Банк Кенгаши қарори билан белгиланади ва тасдиқланади.

6.6. Қўмита раиси ёки Қўмитанинг ҳар қандай аъзоси ўз ваколатларининг тўхтатилиши тахмин қилинаётган санадан 30 (ўттиз) иш кунидан кечиктирмай Банк Кенгаши Раисига ариза юборгандан сўнг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши мумкин

6.7. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, агар Қўмита аъзосининг ваколатлари тугатилаётган бўлса, Банк Кенгаши яқин орадаги мажлисида, аммо Қўмита аъзосининг ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) иш кунидан кечиктирмай ушбу Низом шартларига мажбурий риоя этилган ҳолда Қўмитанинг янги аъзосини сайлайди. Қўмитанинг янги аъзоси сайлангунга қадар Қўмита ўз вазифаларини амалдаги таркибда тўлиқ бажаришда давом этади.

6.8. Қўмита Раисини сайлаш тўғрисидаги қарор Банк Кенгаши аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қўмита Раисининг Қўмита мажлисларида иштирок этиши узрли сабабларга кўра имкони бўлмаган тақдирда, Қўмита аъзолари Қўмита мажлисларига вақтинча раислик қилувчини Қўмита аъзолари орасидан сайлайди.

6.9. Қўмита Раиси Қўмита ишини ташкил қилади, хусусан:

6.9.1. Қўмита мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади, мажлис баённомалари юритилишини ташкил этади;

6.9.2. Қўмита аъзолари, Банк ижроия органи ва Банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича таркибий бўлинма раҳбарининг таклифларини инобатга олган ҳолда Қўмита мажлисларининг кун тартибини тасдиқлайди;

6.9.3. Қўмита аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

6.9.4. жорий йил учун Қўмита мажлислари режасини ишлаб чиқади, Қўмита қарорлари ва режаларининг бажарилишини назорат қилади;

6.9.5. Қўмита ишининг натижалари бўйича Банк Кенгашига ҳисобот беради;

6.9.6. Қўмита ваколати доирасида бошқа зарур функцияларни бажаради.

7. ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

7.1. Таваккалчиликларни бошқариш Қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

7.1.1. таваккалчиликларни бошқариш масалалари ва ички назоратга доир ҳужжатларни, шу жумладан, таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, таваккалчиликларни

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13.04.2022. 12.04.2024 й.гача ҳақиқий 11тадан 7 нар.

бошқариш стратегияси ва сиёсати, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш сиёсати ва ахлоқ қоидаларини кўриб чиқиш;

7.1.2. Банк Кенгашига таваккалчиликларни бошқариш тизимида онд тавсиялар бериш;

7.1.3. бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий тузилма томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизими, шу жумладан, риск-аппетит ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатининг ишлаб чиқилиши, уларга риоя этилиши ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилиши устидан назорат қилиш;

7.1.4. Банк таваккалчиликларини бошқариш тизимининг ишлашини, Банк Кенгаши ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ва бошқарув маълумотларининг ишончлилиги ва аниқлигини мониторинг қилиш;

7.1.5. Банк томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган таваккалчиликларни баҳолаш, шу жумладан, стресс-тест қилиш услубларини даврий равишда кўриб чиқиш;

7.1.6. Банкнинг таваккалчиликлар соҳаси (риск-профили) тасдиқланган риск-аппетитга мос эмаслиги ёки меъёрдан чиқиб кетиши кутилаётган ҳолатларда, таваккалчиликларнинг камайтирилиши ва улар юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилиши бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисида Кенгашга таклифлар бериш;

7.1.7. Банкнинг мукофотлаш тизими Банкнинг риск-аппетитига мувофиқлигини ўрганиб бориш;

7.1.8. Таваккалчиликларни бошқариш бўйича департамент томонидан тақдим этиладиган Банкда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича ҳисоботларни камида ҳар чоракда бир марта қабул қилиб бориш ва таваккалчиликларни камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш;

7.1.9. таваккалчиликларни бошқариш бўйича масъул бўлган ходимларнинг бошқарув ва таваккалчиликларни қабул қилувчи бошқа таркибий бўлинмалардан мустақиллигини баҳолаб бориш;

7.1.10. Таваккалчиликларни бошқариш бўйича департамент раҳбарларини аттестация қилиш жараёнида қатнашиш ёки фикр билдириш;

7.1.11. ўз фаолияти тўғрисида чораклик ҳисоботларни тайёрлаш;

7.1.12. зарур ҳолларда, лекин чоракда камида бир мартта Банкнинг таркибий бўлинмаларидан Банкдаги мавжуд бўлган ва юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича ҳисоботларни қабул қилиш;

7.1.13. ташқи аудиторларнинг таваккалчиликларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича ҳулосаларини таҳлил қилиш ва Банк фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг бажарилишини мониторинг қилиш;

7.1.14. Банк Кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

7.2. Қўмита қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.2.1. Банкнинг мансabdор шахслари, мустақил бўлинмалари ва филиалларидан юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш.

8. ҚЎМИТАНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

8.1. Қўмита мажлислари Банк Кенгаши Раиси томонидан тасдиқланган йиллик режага мувофиқ, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган ҳолларда, лекин йилига камида тўрт марта ўтказилади.

8.2. Хабарнома, Қўмита мажлисининг кун тартиби ва унга зарур материаллар тайёрланиб, мажлиснинг режалаштирилган санасидан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Қўмита аъзоларига юборилади.

8.3. Қўмитанинг навбатдаги мажлисини чақириш тўғрисидаги қарор, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳамда кун тартибидаги масалалар, шунингдек мажлисда

2-сонли тахрир Тасдиqlанган: 13.04.2022 й. 12.04.2027 й.гача ҳақикий 11тадан 8 вар.

иштирок этиш учун таклиф этилган шахслар рўйхати тўғрисидаги қарор Қўмитанинг навбатдаги мажлисларини ўтказиш режасига мувофиқ Қўмита Раиси томонидан қабул қилинади.

8.4. Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлиси Қўмита Раисининг қарорига биноан, Қўмита аъзоси, Банк Кенгаши, Банк ижроия органи талабига биноан ўтказилади.

8.5. Ушбу Низомга мувофиқ, Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказилиши тахмин қилинган санасидан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай, ўз талабларини Қўмита котибига юборадилар, у уни олгандан кейинги кундан кечиктирмай ушбу талабларни Қўмита Раиси эътиборига етказди.

8.6. Қўмита Раисининг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

8.6.1. Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Низомга ва унинг ваколатига тааллуқли эмас;

8.6.1. Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлисини чақириш тўғрисидаги сўровномада кўрсатилган кун тартибидаги масала Қўмита Раисининг қарорига мувофиқ чақириладиган яқин орадаги навбатдаги йиғилиш кун тартибига киритилган бўлса.

8.7. Банк Кенгаши Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни талаб қилган тақдирда, Қўмита Раиси 3 (уч) иш куни ичида навбатдан ташқари мажлисни чақириши шарт.

8.8. Қўмита Раиси Қўмита мажлисларига раислик қилади.

8.9. Қўмита мажлиси, агар унда камида 2 (икки) нафар Қўмита аъзоси иштирок этган бўлса, ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

8.10. Масалаларни ҳал қилишда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмита аъзоси томонидан овоз бериш ҳуқуқининг бошқа шахсларга, шу жумладан, Қўмитанинг бошқа аъзоларига беришига йўл қўйилмайди.

8.11. Қўмита қарорлари Қўмита аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар қўмита мажлисида фақат 2 нафар Қўмита аъзоси ҳозир бўлса ва Қўмита аъзолари мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича умумий келишувга эриша олмасалар, қарор Қўмита Раисининг овоз берган қарорига асосан қабул қилинади.

8.12. Қўмитанинг ишчи органи Таваккалчиликларни бошқариш Департаменти, ушбу Департамент Директори - Қўмита котиби бўлиб ҳисобланади, унинг вазифаларига қуйидаги функциялар қиради:

8.12.1. Қўмита мажлиси кун тартиби учун ишчи материалларни тўплаш ва тайёрлаш;

8.12.2. Қўмита аъзоларини ишчи материаллар билан таништириш;

8.12.3. Қўмита мажлислари баённомаларини расмийлаштириш;

8.12.4. Қўмита фаолиятига оид ҳужжатларни тегишли ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш.

8.13. Қўмита котиби Қўмита мажлисларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни, мажлислар учун материалларни тўплаш ва тизимлаштиришни, Қўмита аъзоларига ва таклиф этилган шахсларга Қўмита мажлисларини ўтказиш, мажлисларнинг кун тартиби тўғрисидаги хабарномаларни, кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни ўз вақтида юборилишини, мажлисларда баённома юритилишини, Қўмита қарорлари лойиҳаларини тайёрлашни, шунингдек кейинчалик барча тегишли материалларни сақлашни таъминлайди. Котиб Қўмита аъзолари томонидан зарур маълумотларни олишларини таъминлайди.

8.14. Қўмита мажлиси ўтказилгандан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Қўмита котиби ўтказилган мажлис баённомасини тузади.

8.15. Қўмита мажлисининг баённомаси Қўмита Раиси, ҳозир бўлган Қўмита аъзолари ва Қўмита котиби томонидан имзоланади. Баённома бир нусхада тузилади, у имзолангандан сўнг

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13.04.2022 й. 12.04.2027 й.гача ҳақиқий Штадан 9 нар.

унга тайёрланган материаллар ва тавсиялар илова қилинган ҳолда Қўмита котиби томонидан сақланади.

8.16. Қўмита мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

8.16.1. мажлис ўтказилган сана, жой, шакли ва вақти;

8.16.2. Қўмитанинг кун тартибини кўриб чиқишда иштирок этган Қўмита аъзоларининг рўйхати, шунингдек Қўмита мажлисида ҳозир бўлган бошқа шахсларнинг рўйхати;

8.16.3. кун тартиби;

8.16.4. кун тартибидаги масалалар юзасидан Қўмита аъзоларининг таклифлари;

8.16.5. овозга қўйилган саволлар ва улар бўйича овоз бериш натижалари;

8.16.6. қабул қилинган қарорлар.

9. САҚЛАШ

9.1. Ушбу ҳужжатнинг асл нусхаси Юридик Департаментининг Методология бўлимида ПК № 21 рақами остида сақланади, ушбу ҳужжатнинг PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Ушбу ҳужжатнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси Юридик Департаментининг Методология бўлимида ва ишлаб чиқарувчида кейинчалик ўзгартиришлар киритиш учун сақланади.

10. ХУЛОСА

10.1. Ушбу Низом Банк Кенгаши тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

10.2. Мазкур Низомга киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

[illegible]

2-сонли таҳрир Тасдиқланган: 13.04.2022 й. 12.09.2027 й.гача ҳақиқий 11тадан 11 вар.

КЕЛИШИЛГАН:

О.Л. Нуманова

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

П.Т. Салимов

_____ «__» _____ 2022 г.

Д.М. Хожиев

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

Б.С. Джураев

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

А.А. Имамов

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

А.Т. Абдукахаров

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

Р.А. Каримов

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

А.У. Режаматов

_____ «__» _____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Таваккалчиликни бошқариш

Департаменти

Лавозими

Т.Р. Зубанров

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

Ҳужжатнинг амал қилиши муддати:

2022 йил «13» _____ дан 2027 йил «12» _____ гача

20 _____ йил «__» _____ гача узайтирилди

Амал қилиш муддати ўтгандан кейинги статуси _____

Сана

_____ ҳужжатни юритиш бўйича масъулнинг имзоси

Копия рақами _____

Тарқатиш санаси 20 _____ йил «__» _____ инвари

_____ (ҳужжатни тарқатишда ҳужжатни юритиш бўйича масъулнинг оригинал имзоси)

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик Департамент томонидан «Таваккалчиликларни бошқариш кўмитаси тўғрисида низом» лойиҳасининг ҳукукий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳани кўриб чиқишда Юридик Департамент Ўзбекистон Республикасининг «Банклар и банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофик ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг тижоратбанкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилишини 05.04.2000 йил 916 - сонли талаблари) Низомнинг талабларига жавоб беради.

Юридик Департаментининг Директори

 А.Т. Абдукаҳаров